

## ОНА ТИЛИ ФАНИНИ ФАНЛАРАРО ИНТЕГРАТЦИЯЛАБ ЎҚИТИШ УСУЛЛАРИ

**Маткаримова Ирода**

*Хоразм вилояти Шовот тумани 27-умумтаълим мактабининг*

*Она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси*

**Аннотатсия:** *Ушбу мақола умумтаълим мактаблари она тили ва адабиёт дарсларини ўқитишда замонавий педагогик технологиялар ва ахборот коммуникатсия технологиялари билан бойитиш, ўқувчиларда миллий тафаккурни шакллантириш ва ривожлантиришда фанлараро интегратсияни амалга оширишга бағишланади.*

**Калит сўзлар:** *Педагогик технология, фанлараро интегратсия, ахборот-коммуникатсия технологиялари, “Занжир” ўйини, “Чархпалак” методи.*

Таълим мазмуни ва кўламини оптималлаштириш, ўқув жараёнини замонавий педагогик технологиялар ва ахборот коммуникатсия технологиялари билан бойитиш, таълим мазмунини ўқувчи ёшлар онги ва тафаккурида ҳаётий образлар воситасида гавдалантиришда ҳам предметлараро алоқанинг имкониятлари чексиз. Она тили дарсларини ҳар бир мавзу доирасида ўзаро турдош ва бошқа фанлар билан боғланган ҳолда ташкил этиш, ўқув жараёнининг мазмунли бўлишини таъминлайди. Ахборотлар кўламининг кенгайиши, ўқувчилар билиши зарур бўлган билим ва кўникмалар ҳажмининг ошиши, интегратсион жараёнларнинг оптимал вариантларини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Бу каби кенг қамровли жараёнларни ташкил этиш, бошқариш ва йўналтириш учун эса, албатта, ўқитувчидан тинимсиз равишда ўз устида ишлаш ва интеллектуал салоҳиятни талаб қилади. Она тили фанини ўзаро алоқадорликда ўрганишда ўқувчиларнинг ёши, психологик хусусиятларини ҳисобга олиб, янги ўқув-методик мажмуалар мазмуни ва зарурий боғланишларни ўргатиш каби бир қатор тадбирларни амалга ошириш бу борада самарали натижаларга эришишни кафолатлайди.

Она тили ва адабиёт фанининг узвий алоқадорлиги боис ўқитилаётган мавзулар ҳам мутаносиб бўлиши лозим. Давлат таълим стандарти талабига кўра умумий ўрта таълим мактабларида она тили фанидан ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар уч йўналишдаги кўрсаткичлар асосида текширилади ва аниқланади. Биринчи кўрсаткич ўқиш техникаси бўлиб, бу орқали ўқувчининг нотаниш матнни ифодали ўқий олиш кўникмаси аниқланади. Иккинчи кўрсаткич ўзгалар фикрини ва матн мазмунини англаш малакаси бўлиб, бу талаб боланинг оғзаки баён қилинаётган фикрни ҳамда ёзма матн мазмунини англай олиш даражасини аниқлаш мақсадида киритилган. Учинчи кўрсаткич эса фикрни ёзма шаклда баён этиш малакасидир.

Таълим жараёнида ахборот-коммуникатсия технологияларидан фойдаланиш ҳозирги даврда муҳим аҳамият касб этиши барчага яхши аён. Аммо дарс жараёнида компютер техникасидан ҳамма вақт ҳам фойдаланиш имконияти бўлавермайди ва бу методик жиҳатдан тўғри ҳам эмас. Шунга кўра она тили фани тўғрақ машғулотларида ўқувчиларнинг дарс жараёнида ўзлаштирган назарий билимларини мустаҳкамлашда, оғизаки ва ёзма нутқларини ривожлантиришда ўқувчиларнинг хоҳиш-истаклари билан компютер техникасидан ижодий фойдаланиш катта самара беради.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, она тили дарсларини адабиёт билан уйғунликда олиб бориш, ўқувчиларнинг бадиий-эстетик дунёқарашларини янада бойишига олиб келади. Айнан она тилида бирон бир назарий маълумот ўрганилаётган бир пайтда ўқувчиларга айнан шу дамда адабиётдан ўтилаётган ҳикоя, асардан парчалардан мисоллар топиб келиш, рубоий, ғазаллардаги сўзларни тил нуқтайи назаридан таҳлил қилишга ўргатиб борилса мақсадга мувофиқ бўлади. Бу кейинчалик уларнинг илмий салоҳиятларини янада оширишга, олий таълимда таҳлил юзасидан билим, кўникма, малакалар бўйича мустаҳкам билимга эга бўлиб, тил бўйича назарий маълумотларини мустаҳкамлаб боришда ёрдам беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Она тили фанидан Давлат таълим стандарти: Узвийлаштитилган Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари. 2010
2. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти/Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017-йил.
3. Allaberganovna, A. F. . (2022). Improvement of the Design of Working Bodies of Modern Presses to Increase Shape-Saving Characteristics During Moisture-Heat Treatment of Clothes. *Miasto Przyszłości*, 28, 17–19. Retrieved from <http://miastoprzyszlosci.com.pl/index.php/mp/article/view/549>
4. Allaberganovna, A. F. . (2023). Pedagogical Approach in Explaining the Steps of Drawing Clothing Sketches to Students. *Best Journal of Innovation in Science, Research and Development*, 2(2), 69–73. Retrieved from <http://www.bjisrd.com/index.php/bjisrd/article/view/57>
5. Тўхлийев Б., Шамсийева М., Зиёдова Т.: Ўзбек тили ўқитиш методикаси. – Т.: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси. 2010.
6. Atayeva, F. (2023). TEACHING STUDENTS TO THE STAGES OF CLOTHING SKETCHING. *Science and innovation*, 2(B1), 187-191.
7. Allaberganovna, A. F. (2022). KIYIMLARGA NAMLAB-ISITIB ISHLOV BERISHDA SHAKLNI SAQLASH XUSUSIYATINI YAXSHILASH MAQSADIDA ZAMONAVIY PRESSLARNING ISHCHI ORGANLARI KONSTRUKSIYASINI TAKOMILLASHTIRISH. *Scientific Impulse*, 1(2), 117-122.